



\*Имом  
Абу Мансур  
Мотуридий  
\*Аллоҳ таоло  
белгилаб кўйган  
хадлар ва  
харом ишлар  
\*Шаҳидлар онаси  
Хансо розияллоху  
анҳо  
\*Ота-онага  
нафақа килиш  
\*Аёллар хусусида  
Аллоҳдан  
кўрқингиз!

# Омина

ИЖТИМОЙ-МАЪРИФИЙ ЖУРНАЛ

31-сон 2020/1441

# Олмина

электрон журнали

**Бадий раҳбар:**

Одинахон МУҲАММАД СОДИҚ

**Ҳайъат аъзолари:**

Мадина Джураева  
Азиза Жалолиддинова  
Муҳайё Муҳаммад Юсуф  
Оиша Ҳусанова  
Гулшода Аллоқулова  
Адолат Ҳусанова  
Дилдора Қурбонова  
Зарнигор Аҳмадалиева

**Муҳаррир:**

Барно САИДРАҲМОН  
Райҳона ШОМИРЗАЕВА

**Дизайнер:**

Рухсора АЗИЗОВА



Электрон манзил: [muslimaat@islom.uz](mailto:muslimaat@islom.uz)



# ИМОМ АБУ МАНСУР МОТУРИДИЙ

Имом Абу Мансур Мухаммад ибн Мухаммад ибн Махмуд ал-Мотуридий Самарқандда туғилиб, ўсиб, таълим олиб, ижод қилиб, хижрий 333 санада шу ернинг ўзида вафот этган. Камолиддин Баёзийнинг таҳқиқига кўра Имом Мотуридийнинг насаби улуғ саҳобий Абу Айюб Ансорийга бориб такалади. Шунинг учун у зотга “Ансорий” нисбати ҳам берилган. У киши ханафий мазҳабида бўлиб, имом Аъзамнинг шогирдлари имом Мухаммад ибн Хасан раҳматуллоҳи алайҳининг икки восита ила шогирдлари бўлган. Яъни у кишининг устозлари имом Мухаммаднинг шогирдлари бўлган.

Имом Абу Мансур Мотуридий раҳматуллоҳи алайҳи Мовароуннаҳрда аҳли суннанинг шайхи бўлган. Бу ерда аҳли сунна ғолиб бўлгани учун у киши ҳар хил йўлларда ва турланишларда бўлмаган. Балки

аввал бошдан мўътадил йўлдан бориш имконини топган. У киши кези келганда нақлга, кези келганда ақлга суяниб иш кўрган.

Имом Абу Мансур Мотуридий раҳматуллоҳи алайҳи фуқоҳолар

ва муҳаддислар даъват қилган нарсага чақирган. У киши жуда ҳам машҳур бўлиб, Мовароуннаҳрда барча унга мурожаат қилган. У кишидан фикҳ, усули фикҳ ва бошқа диний илмлардан таълим олганлар.

Имом Абу Мансур Мотуридий раҳматуллоҳи алайҳи усул буйича «Китобул жадал»ни ва фикҳда «Маъохизуш-шарийъа» китобларини таълиф қилганидан кейин шуҳрати яна ҳам ошиб кетди. Шундан кейин илми каломда шуҳрат қозониб, Хуросон аҳлининг мазҳаб соҳибига айланди.

Имом Абу Мансур Мотуридий раҳматуллоҳи алайҳининг ақийдадаги мазҳаби Абул Ҳасан Ашъарийнинг мазҳабига тенг бўлди.

Имом Абу Мансур Мотуридий раҳматуллоҳи алайҳи бир қанча китоблар ёзган. «Китобур радди ала ал-Каъбий ал-Мўътазилий», «Китоб авҳомул Мўътазила», «Китобур радди ала ал-Мўътазила», «Китобур радди ала ал-Қаромита», «Китобур радди ала-ар-Рофиза», «Китобут тавҳид» ва «Таъвилоту аҳлис сунна» китоблари шулар жумласидандир.

Аҳли сунна вал жамоа мазҳабининг икки катта имомларининг ақийдаларини солиштириб кўрган шайх Муҳаммад Абдуҳу икки томон ўттизга яқин масалада хилоф қилганларини, аммо аксарият уламо-

лар бу хилофлар фақат лафзда экани, жавҳар эса тамоман бир-бирига ўхшаш эканини таъкидлашларини қайд қилган.

Имом Мотуридийга у зотни яқиндан таниган уламолар ва шогирдлари томонидан мартабаларини намоён қилувчи кўплаб лақаблар берилган:

- Имомул ҳудо (тўғри йўлга бошловчи);

- Имомул мутакаллимийн (калом илми олимлари пешвоси);

- Мусаҳҳиху ақоидил муслимийн (мусулмонларнинг ақийдаларидан хатоларни даф қилувчи);

- Роису аҳли сунна вал жамоа (Аҳли сунна вал жамоа бошлиғи);

- Носирус сунна ва қомиъул бидъа (суннатни ҳимоя қилувчи ва бидъатни бостирувчи);

- Муваттиду ақоиди аҳлис сунна (аҳли сунна ақийдалари асосчиси).

Баъзи муҳаққиқ уламолар Мотуридий билан Ашъарийнинг ораларида асосан учта масалада хилоф борлигини айтадилар.


Биринчиси: Ашъарий ҳолни нафий қилади ва шунинг учун унинг фикрича, сифати зоидалар йўқ ҳисобланади. Ал-Мотуридий эса уларни собит, дейди.

Имом Абу Мансур Мотуридий раҳматуллоҳи алайҳи: «Таквийн сифати бор, у ҳар бир махлуққа шомил сифатдир», дейди. Имом Ашъарий бу номдаги сифат йўқлигини айтди.

Шунингдек, улар савобу иқоб ҳамда ирода ҳурлиги ҳақида ихтилоф қилишган.

Имом Абу Мансур Мотуридий раҳматуллоҳи алайҳи ўзининг тафсирида мўътазила, хавориж, рофиза, карромий, жаҳмий, мушаббиха, мунажжим, фолбин ва бошқаларнинг фикрларини муноқаша қилган ва ҳаммаларига раддия берган. У киши Аҳли сунна вал жамоанинг мазҳабини қўллаб-қувватлаган.

*Шайх Муҳаммад Содик  
Муҳаммад Юсуфнинг  
"Сунний ақийдалар"  
асаридан фойдаланилди.*



## Аллоҳ таоло белгилаб қўйган ҳадлар ва ҳаром ишлар

Абу Саълаба Хушаний Журсум ибн Ношир розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар:

**«Аллоҳ таоло бир қанча фарзларни лозим этди, бас, уларни зое қилмангиз. Ҳад-чегараларни белгилади, уларни босиб ўтмангиз. Айрим нарсаларни ҳаром қилди, уларга яқин йўламангиз. Баъзи нарсалар хусусида – унутганидан эмас, сизларга марҳамат кўрсатиб, – сукут қилди, бас, улар устида баҳс қилмангиз.**

*(Доракутний ва бошқалар ривоят қилганлар)*

### Ҳадисдан олинadиган фойдалар:

1. Фарз ва вожибларга тўлиқ амал қилмоқ.

Аллоҳ таоло бандаларига буюрган намоз, закот, рўза ва ҳаж каби амаллар фарз ҳисобланади.

Шофеъийлар наздида Китоб, Суннат, ижмоъ ёки бошқа бирор шаръий далил билан собит бўлган нарсалар фарз дейилади. Улар фарз ва вожиб амал-

ларни бир хил маънода деб билишади. Фақат ҳаж масаласида мазкур икки лафзни фарқлайдилар: яъни ҳаждаги фарзнинг мисоли қурбонлик билан ўнганмайдиган ифоза тавофидир. Қурбонлик билан тўлдирилса бўладиган видолашув тавофи эса вожиб саналади.

Ҳанафийлар наздида

фарз ва вожиб алоҳида-алоҳида маъноларни ифода қилади. Уларнинг фикрига кўра қатъий далил билан собит бўлган ҳукм фарз ҳисобланади. Масалан, намоз, закот, рўза...

Вожиб эса “зонний” (гумонли) далил билан собит бўлган ҳукмдир. “Зонний” далил деганда қиёс ёки бир кишининг хабари назарда тутилган. Бунга фитр садақасини мисол келтириш мумкин.

Фарзлар икки қисмга бўлинади: фарзи ўайн ва фарзи кифоя.

Фарзи ўайн ҳар бир мукаллафга айнан тегишли бўлган фарзлар. Масалан, беш вақт намоз, закот, рўза...

Фарзи кифоя эса маълум тоифанинг у билан машғул бўлиши билан бошқалар

устидан соқит бўладиган фарз. Агар ҳеч ким фарзи кифояни адо этмаса, ҳамма баробар гуноҳкор бўлади. Масалан, жаноза намози, саломга алик олиш, амри маъруф ва наҳйи мункар...

2. Аллоҳ таоло белгилаган ҳадларни босиб ўтмаслик.

Ҳадлар – инсонларни ҳаромдан тўсишга хизмат қилувчи шариатда белги-ланган жазолар. Масалан, зино ҳадди, ўғрилиқ ҳадди, ароқ ичганининг ҳадди ва ҳоказо...

Фатҳ йилида Бану Махзум қабиласидан бир аёлга ўғрилиқ ҳадди тайин қилинди. Усома ибн Зайд розияллоҳу анҳу ўша аёлнинг жазосини енгиллатишларини сўраб, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга мурожаат қилганларида, Набий соллаллоҳу алайҳи васалламдан қуйидагича танбеҳ эшитдилар:

“Сен ҳали Аллоҳ таолонинг ҳадларидан бирида ўртага тушяпсанми?!”

Аллоҳ азза ва жалла белгилаб қўйган бу ҳадлар ҳеч қандай зиёдаю нуқсонсиз тўла-тўқис амалга оширилмоғи лозим.

Ароқ ичган кимсага Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам ва Абу Бакрнинг даврларида қирқ дарра урилар эди. Аста-секин бу ҳаром ичимликни ичувчилар кўпайиб боргани боис Умар розияллоҳу анҳу нафси бузуқларни тийиб қўйиш мақсадида ижтиҳод қилиб, ароқхўрнинг ҳадди-

ни саксон даррага кўтардилар. Умар розияллоҳу анҳунинг бу ижтиҳодлари шаръан дуруст ва мақбул ижтиҳоддир. Шу боис Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳу бундай деганлар:

“Албатта, ҳар иккиси: зиёда этилгани ҳам, зиёда этилмагани ҳам суннатдир”.

Чунки Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Умар розияллоҳу анҳуга иқтидо қилишни алоҳида ҳам, умумий тарзда ҳам таъкидлаганлар: “Мендан кейин Абу Бакр билан Умарга эргашишлар!” “Сизлар менинг суннатим ва ҳидоятга йўлланган хулафои рошидинлар суннати лозим тутингиз!”

Саҳобалар Умар розияллоҳу анҳунинг юқоридаги ижтиҳодларини тўлиқ қабул қилишди. Хусусан, Али розияллоҳу анҳу айтган қуйидаги сўзлардан сўнг ушбу ижтиҳодга нисбатан асҳоби киромлар қалбида ҳеч қандай ғашлик қолмади.

Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳу дедилар:

**«Эй Мўминларнинг амири! Ароқ ичган кимса алжирашга тушади. Алжираган одам албатта тухмат-бўхтон қилади. Аллоҳнинг Китобида тухматчининг жазоси саксон даррадир...»**

**“Покиза аёлларни бадном қилиб, сўнгра тўрта гувоҳ келтира олмаган кимсаларни саксон дарра уринлар ва ҳеч қачон**

**уларнинг гувоҳликларини қабул қилманглар! Улар фосиқ кимсалардир”**

*(Нур сураси, 4-оят).*

3. Ҳаромдан ҳазар қилмоқ.

Китобу Суннатда ҳаромлиги қатъий айтиб қўйилган барча мункар амаллардан тийилиш, улардан пок сақланиш буюрилган. Қатъий ҳаром ишларга ёлғон гувоҳлик бермоқ, етимнинг молини емоқ, судхўрлик каби нопок қилмишларни мисол қилиб келтириш мумкин.

**“Айтинг, Парвардигорим бузуқ ишларнинг ошкорасини ҳам, махфийсини ҳам ҳаром қилди!”**

*(Анъом, 151-оят).*

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар:

**“Ҳар қандай маст қилувчи нарса ҳаромдир!”. “Қонларингиз, мол-давлатларингиз ва обрўларингиз бир-бирингизга ҳаромдир”.**

Китобу Суннатда ҳаром қилинган нарсаларга соғлом ақл ва инсоф кўзи билан қараган инсон, шубҳасиз, уларда очиқ-равшан иллатларни топади. Чунки уларнинг барчаси нопокликдан бошқа нарса эмас. Шариатда нима ҳаром қилинмаган бўлса, у ҳалол-покиза неъматдир.

4. Аллоҳ таолонинг бандаларига қилган марҳамати.

Аллоҳ субҳанаҳу таоло айрим нарсалар хусусида сукут қилди. Яъни, уларни на ҳалол ва на ҳаром деди.

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам буни Аллоҳ таолонинг бандаларига қилган марҳамати деб таърифладилар. Бинобарин, ҳукми айтилмаган ишларни қилишда ҳеч қандай танглик йўқ. Албатта, Аллоҳ таолонинг ушбу сукути хато ёки унутиш орқали содир бўлгани йўқ. Зеро, Қодир ва Меҳрибон Яратувчи бундай нуқсонлардан буткул покдир! **“Парвардигорингиз унутгувчи эмас”.** (Марям, 64-оят). **“Парвардигорим адашмас ва унутмас”.**

(Тоҳо, 52-оят).

5. Кўп савол бериш ва чуқур кетишдан қайтарилган.

Мазкур ҳадисдаги қайтариқ фақат Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам замонларига хос бўлиши ҳам мумкин. Чунки ҳукми айтилмаган нарсалар ҳақида сўраб-суриштиравериш ўша нарсалар хусусида қатъий ҳукм туширилишига сабаб бўлиб қоларди. Натижада ўша нарса ҳалол ёки ҳаром деб ҳукм оларди.

**“Эй мўминлар, (Аллоҳ сизлардан кечиб юборган) очилганида сизларни хафа қиладиган нарсалар ҳақида сўраманглар”.** (Моид сураси, 101-оят).

Бироқ юқоридаги қайтариқнинг ҳамма замонлар учун умумий бўлиши ҳам эҳтимолдан холи эмас. У ҳолда мазкур қайтариқ динда чуқур кетишга тааллуқли бўлади.

Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳу айтадилар:

“Беҳуда нарсаларни сўраб-суриштиришдан ва ғулув кетишдан эҳтиёт бўлинглар. Сизлар эски нарсани (яъни саҳобалар йўлини) лозим тутинглар”.

Саҳобаи киромлар Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга кўп савол бермаганлари боис мусофирлар келса, хурсанд бўлишарди. Чунки мусофирлар Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламдан турли масалалар ҳақида савол сўрашарди. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам берган жавобларни саҳобаи киромлар ҳам эшитиб олар эдилар.

Биз учун ҳолати номаълум бўлган, бироқ иймон келтиришимиз шарт қилинган нарсалар хусусида баҳс юритиш фойдасиз баҳс-мунозара таркибига киради. Чунки бундай беҳуда масалалар кишини шак-шубҳага солиб қўяди. Баъзан инсон куфр калимасини айтиб қўйиши ҳам мумкин.

Ибн Исҳоқ айтадилар: “Холиқ ҳақида ҳам, махлуқ ҳақида ҳам аниқ эшитилмаган нарса асосида тафаккур қилиб бўлмайди.

Мисол учун Аллоҳ таолонинг ушбу оятини олайлик: **“Мавжуд бўлган барча нарса ҳамду сано айтиш билан У Зотни поклар”.** (Исро сураси, 44-оят).

Хўш, жонсиз нарсалар

қандай қилиб тасбеҳ айтаркин, - деб фикр юритиш мумкин эмас. Боиси - Аллоҳ таоло ҳар бир нарсанинг тасбеҳ айтиши ҳақида хабар бермоқда. Энди жонсиз нарсаларнинг қай тарзда тасбеҳ айтишини Аллоҳ таолонинг Ўзи билади ва Ўзи хоҳлаган равишда қилиб қўяди!”

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар:

**“Қай бирингизнинг олдига шайтон келади-да, “Уни ким яратган? Буни ким яратган?” дейишга тушади. Охир-оқибат “Парвардигорингни ким яратган?” дейди. (Бунақа пайтда) инсон Аллоҳдан паноҳ тилаб, ўзини тийиб олсин!”** (Бухорий ривоятлари).

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар: **“Одамлар сўрашда давом этаверганларидан ҳатто “Аллоҳ бор махлуқотни яратди.**

**Хўш, Унинг ўзини ким яратган?” дейишгача бориб етишади. Кимгаки ана шундай бирор ўй-фикр келса, “Аллоҳга иймон келтирдим!” деб айтсин”.** (Муслим ривояти).

6. Биз фарзларни бажаришга, ҳадларга риоя қилишга ва ҳаромдан йироқ юришга буюрилганмиз.

Айрим нарсалар хусусида сукут қилинган бўлса, бу ҳам Парвардигорнинг бизга кўрсатган марҳаматидир.

“Ҳадис ва ҳаёт”  
туркумидан

## ҲАРАМДАГИ НАМОЗЛАРДА

АЁЛЛАРНИНГ ЭРКАКЛАРГА  
ЯҚИН ТУРИШИ

Масжиди Ҳаром ва Масжиди Набавийдаги жамоат намозларида аёллар ҳам иштирок этадилар. Масжиди Ҳаромда дарвозалардан кирилган жойда аёлларнинг намоз ўринлари ажратиб қўйилган. Атрофидаги чиройли китоб жавонлари девор вазифасини ўтайди. Эркакларнинг у ерга кириши мумкин эмас. Масжиди Набавийнинг ҳам ўнг ва чап тарафидаги жуда катта қисми аёллар учун тайин қилинган. У ерга эркакларнинг ҳатто яқинлашиши ҳам жиноят. Шунинг учун Масжиди Набавийда аёлларнинг намоз масаласида ҳеч қандай қийинчилик туғилмайди.

Лекин Масжиди Ҳаромда аёллар намоз ўқишлари учун алоҳида шароитлар яратилган бўлса-да, улар намозда эркаклар орасига аралашиб, ажиб ва ғаройиб манзара пайдо қиладилар. Бир аёлнинг эркак-



лар сафига кириб олиб, намозга иштирок этиши натижасида уч эркакнинг намози фосид бўлади:

1 – аёлнинг ўнг томонидаги; 2 – аёлнинг чап томонидаги; 3 – аёлнинг орқасидаги эркак. Агар иккита аёл ёнма-ён ту-

риб олса, 4 та, яъни ўнг ва чапдаги ҳамда орқасидаги 2 та эркакнинг намози фосид бўлади. Буни мухтарама аёлларимиз, опа-сингилларимиз яхшилаб тушуниб олишлари шарт.

*Замира Тўйчиева*





# Шаҳидлар онаси Хансо

## розиаллоҳу анҳо

«Эй Ханас!»

Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам бу саҳобийя розиаллоҳу анҳони шундай чақирар эдилар.

Пайғамбаримиз алайҳиссалом бошқа кўп араблар каби шеъриятни яхши тушунар эдилар. У зот соллalloҳу алайҳи васалламнинг саҳобалари орасида ҳам шоирлар бўлиб, Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам уларни Ислом ҳимояси йўлида шеър ёзишдан қайтармаганлар. Сизларни таниш-

тирмоқчи бўлган саҳобийя Хансо розиллоҳу анҳо ҳам ўша даврнинг энг маҳоратли шоирларидан бўлганлар.

\*\*\*

Хансо розиаллоҳу анҳонинг тўлиқ исмлари Тамодур бинт Амр ибн Ҳорис Сулабий бўлиб, у Бану Сулайм уруғидан эди. У жуда чиройли, одобли эди. Ёшлик пайт-

лариданоқ шеъриятга қизиқди. Акалари Саҳр ва Муовия вафот этгач, қаттиқ қайғуга тушиб, таъсирланди. У шунчалар кўп йиғлар эдики, одамлар унинг йиғисини зарбулмасал қилишарди. Авваллари икки-уч мисрадан шеър ёзиб юрган Хансо кейинчалик ички иқтидори юзага чиқиб, акаларининг ёдига узун-

дан-узоқ таъсирчан ва балоғатли шеърлар ёза бошлади. Унинг нола ва фиғон тўла шеърлари қалбларни эритиб юборарди. Шоирлар шеъриятда бошқа ҳеч бир аёл Хансога ета олмаслигини бир овоздан таъкидлар эдилар.

\*\*\*

Хансо розияллоҳу анҳо Мадинага Бану Сулайм қабиласи вакиллари гуруҳи билан бирга келди. Мадинада у Исломга келди ва Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга байъат қилиб, байъатида содиқ қолди.

\*\*\*

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Хансо розияллоҳу анҳонинг шеърларини ёқтирар, унга илиқ муносабатда бўлар эдилар. Хансо розияллоҳу анҳо аёллар ичида ўзининг балоғат ва фасоҳати билан бирга, олийжаноблиги, иродаси ва матонати, шижоати ва фидокорлиги билан ажралиб турарди. Унинг энг ёрқин фазилатлари айниқса Қодисийя жанги куни намоён бўлди.

\*\*\*

Қодисийя куни Хансо розияллоҳу анҳо бошқа аёллар билан бирга жангга чиқди. Улар аскарларга сув, егулик бе-

риб турар, жароҳатларидан хабар олишарди. Ибн Абдул Барр ўзларининг «Истийъоб» номли китобларида шундай ривоят қиладилар:

«Хансо бинт Амр Қодисийяда тўрт ўғли билан ҳозир бўлди. У ўғилларига жанг олдидан насиҳат қилиб, шундай деди: «Ўғилларим! Сизлар Исломга кириб, ҳижрат қилдингиз. Аллоҳга қасамки, сизларнинг барчангизнинг онангиз ҳам, отангиз ҳам бир. Аллоҳ таоло: **«Эй иймон келтирганлар! Сабр қилинг. Сабр ила ғолиб келинг. Курашга бел боғлаб туринг. Аллоҳга тақво қилинг. Шоядки ютуққа эришсангиз»**, деб марҳамат қилган (*Оли Имрон сураси, 200-оят*). Тонгда Аллоҳнинг изни билан соғ-саломат уйғонсангиз, бориб, душманга қарши ишонч билан жанг қилинг ва Аллоҳдан Унинг душманларига қарши ёрдам сўранг! Агар уруш кескинлашганини кўрсангиз, жасоратли ва бардошли бўлинг! Шоядки, мангу дунёда (охиратда) шараф топсангиз».

Шундан сўнг ўғиллари унинг насиҳатига амал қилишди, довюрраклик билан жанг қилиб, бирин-кетин шаҳид бўлиш-

ди. Хансо розияллоҳу анҳога бу шумхабар етганида у киши: «Мени уларнинг шаҳодати билан неъматлантирган Аллоҳга ҳамд бўлсин. Аллоҳ таоло мени улар билан Ўз раҳмати соясида жам қилишидан умидворман», деди.

\*\*\*

Исломидан олдин икки нафар акасининг ўлими туфайли йиллаб кўзёш тўкиб, бошқаларни ҳам ўз шеърлари билан йиғлатиб юрган Хансо қаерда-ю, ўзининг тўрт ўғли шаҳид бўлганида Аллоҳга ҳамд айтиб, барчани лол қолдирган муслима Хансо қаерда! Бугуннинг оналари учун Хансо розияллоҳу анҳонинг ҳаётларида катта ибрат бор. Бу воқеа бизга бу ўткинчи дунёдаги вазифамизни чуқурроқ ўйлаб кўришга, масъулиятимиз юкини ҳис қилиб кўришга ундайди.

Манбалар:

1. Лина Ал Ҳимсий «Саҳобийят: Ал Хансо» (islamway.net).
2. Al-Khansa (Tamadur bint Amr ibn Shareed) (idealmuslimah.com).
3. «Қиссатул Ислам. Ал Хансо» (islamstory.com).

*Зарнигор тайёрлади*



# Аҳмад Ҳодий Мақсудий

Аҳмад Ҳодий Низомуддин ўғли Мақсудий – атоқли жамоат арбоби, муаллим, журналист ҳамда ношир.

## Ҳаёт йўли

Аҳмад Ҳодий Мақсудий 1868 йил, 28 сентябрда Қозон губернаторлиги Биектау тумани, Тошсув овулида (ҳозирги вақтда, Россия Федерацияси, Татаристон республикаси, Висогорский райони) мулла Низомуддин оиласида дунёга келди. Ушбу оилада татар миллатининг икки улуғ шахсияти – Аҳмад Ҳодий ва Садри Мақсудийлар туғилиб ўсди.

Аҳмад Ҳодий Мақсудий аввал отасининг овулдаги мадрасасида таҳсил олади. Сўнгра 1881 йили Қозон шаҳрига бориб, замонасининг машҳур мадрасаларидан бири бўлмиш Қосимия мадрасасида 8 йил таҳсил олади.

1890-1892 йилларда Қосимия мадрасасида муаллимлик қилади. Мадрасалар ва маориф тизимида жиддий ислохотлар лозимлигини англаган Аҳмад Ҳодий 1892 йил татар маорифида чин маънода инқилоб ясаб, татар алифбосига 6 та ҳарф киритди. «Имляда ишетелгәнчә язу тиешле» – имлода ишлатилувчи ёзувга тегишлидир, деган қоидага асосланиб, ўзининг “Муаллими аввал”, “Муаллими соний” алифбосини нашр қилдирди.

Аҳмад Ҳодий Мақсудий татар мактаб ва мадрасалари учун ўттиздан ортиқ диний, дунёвий фанлардан дарслик, методик қўлланмалар ёзди. Унинг “Муаллими аввал” ҳамда “Ибодати исломия” дарсликлари араб ва бошқа тилларга таржима қилиниб, Миср мактабларида дарслик сифатида ўқитилган.

### Ноширлик ва муҳаррирлик фаолияти

1893 йилда Мақсудий Туркияга бориб, у ердаги янги таълим тизими билан танишади. Татар тилида газета чиқариш орзусида бўлган Аҳмад Ҳодий у ерда газета нашр қилиш сирларини ўрганади. Шундан сўнг туркиялик ёзувчи Ж. Мидҳат билан танишади. “Иқдам” газетаси муҳаррири билан дўстлашиб, ҳатто бироз вақт шу газетада ҳам ишлайди. Туркиядан қайтгач, Исмоилбек Гаспринский чорлови билан Қримдаги Боғчасаройга боради ва “Зинжирли” мадрасасида мударрислик қилиб, “Таржимон” газетасида ҳам ишлайди.

1896 йилда Аҳмад Ҳодий Мақсудий Қозонга қайтади ва Қозон ўқитувчилар мактабида имтиҳонлар топшириб, ўқитувчилик дипломини олади. “Бертуган Юнусовлар” ҳомийлигидаги Муслмон болалар билим юртида татар тили, тарих ва жуғрофия фанларидан дарс беради. Бир қанча дарслик ёзиб, илмий фаолият олиб боради.

1892 йиллардаёқ газета чиқаришни ўзига мақсад қилган Мақсудий 1905 йилга қадар тўрт-беш маротаба “Юлдуз”, “Кундуз” ва “Қозон” номли газета ҳамда “Юлдуз” номидаги журнал чоп этишга рухсат сўраб, Матбуот ишлари бўйича Бош идорага илтимосномалар ёзади, аммо



рухсат ололмайдди. Лекин 1905 йилги Инқилобда бунга имкон туғилади ва 1906 йил 15 январда биринчи татар газетаси – “Юлдуз”нинг илк сони дунё юзини кўради. Шу кундан бошлаб, 12 йил давомида аввал бошда ҳафталик, сўнг ҳафтада икки маротаба, бора-бора кундалик бўлиб чиқа бошлаган газета тиражи 8 мингга етади. Газета яхши қоғозга, юқори техникалар билан осон ўқиладиган тилда босилади.

“Юлдуз” газетасининг жамиятдаги мавқеи, ўз саҳифаларида халқнинг муаммоларига бўлган эътибори, муносабати, Подшоҳ ҳукуматининг сиёсати, Русия давлат думаларида кўрилган масалалар, уларнинг ечимлари, у ерда кўрилган қонун лойиҳаларига бўлган муносабатни ёритиши газета муҳаррири Аҳмад Ҳодий Мақсудийнинг замонасининг зиёли, чин заковатли сиёсатчиси бўлганини кўрсатади. 1918

йилда 21 июнида 12 йил татар халқига хизмат қилган “Юлдуз” газетасининг сўнги 1900-сони чоп этилади.

### Жамоат арбоби сифатида

Аҳмад Ҳодий Мақсудий Қозонда биринчи татар кутубхонаси – “Кутубхонаи Исломия”нинг асосчиларидан ҳисобланади. Кутубхона 1906 йили 2 январ куни очилади ва ўша кундан то 1923 йилгача Мақсудий унинг мудирини бўлган. Кутубхонанинг молиявий таъминоти “Маҳаллий муслмонларга ёрдам” Бирлашмаси раиси Б.Апанаев ёрдами билан шаҳар думаси орқали ҳал этилади. Ҳар йил кутубхонага 1000 сўмлаб субсидия бериб борилган. Кутубхонада хотин-қизлар учун ҳам алоҳида бўлим ташкил этилган эди.

Аҳмад Ҳодий Мақсудий “Иттифоқул муслимийн” фирқа (партия)сининг асосчиларидан бири ҳамда унинг қурултойларида қатнашувчи аъзоси ҳисобланган. Шу партиянинг мактаб-мадраса ишлари Кенгаши котиби ўлароқ, Қозон шаҳар думаси аъзоси бўлиб, катта муаммолар юзасидан кўплаб чиқишлар қилган. Биринчи жаҳон уруши йиллари, 1914 йилнинг август ойида Қозон шаҳрида Петрограддан кейин иккинчи бўлиб, урушда ҳалок бўлганларнинг оилалари ҳамда яра-

ланган аскарларга ёрдам бериш мусулмон қўмитасининг тузувчиларнинг етакчиси бўлади.

Мулла С. Иймонқулий билан биргаликда шу қўмитанинг ишларини бошқаради.

### Инқилобдан сўнг

Октябр инқилобидан сўнг беш-олтита тилни билган, ўттиз йиллик педагогик тажрибага эга бўлган, ўттиздан зиёд дарслик асарлар муаллифи бўлмиш педагог-муаллим, журналист, маориф ва маданият борасида буюк хизматлар қилган Аҳмад Ҳодий Мақсудий совет ҳукумати учун кераксиз бўлиб қолади. Унга 1927 йил ҳукумат тарафидан «пожизненно» (умрбод) деган нафақага чиқарилади ва ойига 50 сўмдан нафақа тайинланади. Мақсудий Педагогика олийгоҳида араб тилидан дарс беради, сўнг босма-хонада саҳҳофлик (китоб саҳифалаш) ишини бажаришга мажбур бўлади.

Шу шароитларда ҳам олим ўз илмий фаолиятини тўхтатмайди. 1927 йили беш минг нусхада бугунги кунга қадар ўз қимматини йўқотмаган “Фанни қомус” – биринчи татарча энциклопедиясини чоп эттиради.

Октябр инқилобидан сўнг мусулмон зиёлилари бошига келган тақиб ва тазйиқлар татар зиёлиларини ҳам, хусусан, Аҳмад Ҳодий Мақсудийни ҳам четлаб



ўтмади. У 1933 йили 16 январда қамоққа олинди. У “Совет Социал-Фашистлар партия”сини ташкил этишда, Қозон атрофидаги туманларда совет ҳукуматига қарши иш олиб боришда, Туркия фойдасига жосуслик қилишда ва кўплаб қочқинларга ёрдам беришда айбланиб, жиноий иш қўзғатилади. Шунингдек, Қозон ва унинг атрофидаги туман мулла-мударрислари, муаллимлари ҳам Абдул Ҳодий Мақсудий билан бирга фаолият юритишда айбланиб, ҳибсга олинади. Мақсудий эса уч йилга Вятка шаҳрига сургун қилинди.

Аҳмад Ҳодий Мақсудий сургунда ҳам илмий фаолиятини тўхтатмади. Шарқ фалсафасини яхши билган олим сургундалиқ вақтида фалсафага оид «Шарқона мантиқ» (Восточная логика) асарини ёзади, уни рус тилига ҳам таржима қила-

ди. Бу китоб биринчи татар тилидаги фалсафасий асар ҳисобланади.

Сургун муддати тугагач, 1936 йил охирларида Мақсудий Қозонга қайтади. Лекин озодликда узоқ яшмайди. 1937 йили январь ойида уни инқилобга қаршилик ҳаракатида айблаб, қайта қамашади.

1937 йил 10 январь Аҳмад Ҳодий Мақсудийга қарши очилган жиноий иш саломатлиги ёмонлашгани туфайли тўхтатилади ва 1937 йили 2 февралда ёпилади. Шу билан ажрим ҳукми чиқмасдан қолади. Турмадан чиққач, Аҳмад Ҳодий узоқ яшмайди. 1941 йил 28 июлда буюк мутафаккир олим вафот этади.

Татар вақтли матбуотида унинг ўлими ҳақида хабар қилинмайди. Аммо 1941 йил охирларида Анқарада чиқадиган “Янги тонг” газетасида Баттол Тоймаснинг Аҳмад Ҳодий Мақсудийга бағишланган мақоласи чиқади. Сўнгра “Жумҳурият” газетасида эса М. Файзийнинг Мақсудий вафотига бағишланган таъзия мақоласи чиқади.

Аҳмад Ҳодий Низомуддин ўғли Мақсудий 1995 йили Россия Федерациясининг 1991 йил 18 октябрдаги “Сиёсий репрессия қурбонларини оқлаш” тўғрисидаги Қонунига кўра “айбсиз” деб топилади ва оқланади.

Анвар Аҳмад

Сўнги пайтларда юртимизда китобхонликка алоҳида эътибор берилмоқда. Бу борада кенг кўламли хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Халқимиз ичида турли мавзуларда китоблар таълиф қилинаётгани, айниқса аёл-қизлар ичида қалам тебратётган опа-сингилларимизнинг сафи тобора кенгайиб бораётгани қувонарли ҳолдир. Илмий-оммабон асар ижодкорнинг йиллар давомида тўплаган илм ва тажрибаларининг маҳсулидир. Бу эса самарадорликка эришишда муҳим аҳамиятга эга. Ана шундай руҳий қувват баҳи этиб турадиган илҳом манбаи пок қалб, кенг дунёқараиш ва чуқур билим ҳисобланади. Мана шундай пок хислатларни ўзида жо этган «Қалам ва битик аҳли» мукофоти соҳибаларидан бири, "Хадичаи Кубро" аёл-қизлар ўрта махсус ислом билим юрти етакчи мударри-саси, «Қуръон ўқитиш ва ёдлаш усуллари» ва отинойилар учун мўлжалланган «Қуръон сабоқлари» ҳамда «Анъанавий ва ноанъанавий таълим» китоблари муаллифи Гулобод Қудратуллоҳ қизи бугун саҳифамиз меҳмони бўладилар.



## Расулulloҳдан гўзал ўрнак

– **А**ссалому алайкум устоз, яқиндагина «Анъанавий ва ноанъанавий таълим» деб номланган янги китобингиз нашрдан чиқиб, оммага тақдим этилди. Ушбу ютуқларингиз билан сизни чин қалбдан муборакбод этамиз. Дастлаб мана шу китобингиз ҳақида тўхталсангиз.

– Ўз бандаларига ҳар бир ишда ният, ихлос ва илмни шарт қилган Аллоҳ таолога Ўзининг жалолига яраша ҳамду санолар бўлсин! Ўз умматларига ният, ихлос ва илмда яхши ўрнак кўрсатган Пайғамбаримиз алайҳиссаломга мукамал ва батамом саловату саломлар бўлсин!

Ислом билим юртлирида ўқитилаётган махсус фанлардан таълим бераётган мударрис ва мударрисалар Расулуллоҳ соллалоҳу алайҳи васалламнинг таълим бериш усуллари эргашган ҳолда ёш авлодга таълим ва тарбия беришда бор имкониятларини ишга солишмоқда. Улар таълим бераётган фанлари борасида чуқур билим, малака ва тажрибага эгадирлар. Шундай бўлсада, баъзан таълим бериш жараёнида талабаларни ҳар томонлама етук, баркамол шахс сифатида тарбиялаш, ўқитиш каби мақсадларга тўлиқ жавоб берувчи таълимнинг умумий қонуниятлари, ўқитиш тамойиллари, шакллари, усуллари каби муҳим масалаларда баъзи бир камчиликлар намоён бўлиб туради. Ана шундай камчиликларни бартараф қилиш мақсадида ва таълим берувчиларга қўшимча маълумот ва ёрдам тариқасида Аллоҳдан манфаатли илм бўлишини умид қилиб, тўрт бўлимдан иборат “Анъанавий ва ноанъанавий таълим” китоби таълиф этилди. Ўз ҳамкасбларимиз учун таълим беришларида Расулуллоҳ соллалоҳу алайҳи ва салламнинг

таълим бериш усуллари ни ўқиб-ўрганиб, ундан гўзал ибрат олишлари учун Расулуллоҳ соллалоҳу алайҳининг 37 та усуллари ни биринчи бўлимга киритдик.

Рисоланинг иккинчи бўлими айнан мадраса муаллимларининг сермашаққат, шу билан бирга, қизиқарли, серқиррали фаолиятларига бағишланган. Бунда: муаллимнинг Роббисига; муаллимнинг ўзига; муаллимнинг жамияти ва миллатига; муаллимнинг шогирдларига; муаллимнинг ҳамкасбларига; муаллимнинг илми ва ўз касбига нисбатан вазифа ва одоблари каби мавзулар ўрин олган. Ислом таълимотида асрлар давомида мадраса ва мактабларда шаклланган усуллар жуда оддий, осонлиги билан авом халқни ўзига жалб қила олган. Мадрасаларда қўлланилган мана шундай усуллар жуда самарали бўлиб, оқибатда мадраса битирувчиларидан жуда ҳам кўп кўзга кўринган мутафаккир олим-уламолар етишиб чиққан. Мазкур бўлимда “Мадрасага борувчи миллат” номи ни олишга сабаб бўлган мадрасаларда ўқитилган анъанавий таълим усуллари ҳам ўрин олган.

Рисоланинг учинчи бўлимида муҳтарам устозларнинг машаққат билан эгаллаган билимларини талабаларга янада тушунарли, осон, енгил усуллар ёрдамида етказиб беришлари учун умумий педагогиканинг асосий қисмлари мухтасар тарзда баён қилинди. Унда педагогиканинг методологик асослари, тарбия ва таълим назариялари, мустақил таълимнинг баъзи шакл ва мазмунлари ёритилган. Мазкур мавзуларнинг мазмун-моҳиятлари янада тушунарли, қизиқарли бўлиши учун улар Расулуллоҳ соллалоҳу алайҳи вассалламдан ворид бўлган ҳадислар асосида “Расулуллоҳдан гўзал ўрнак...” рукни билан бойитиб борилди.

Али розияллоҳу анҳунинг: “Болаларингизни ўз даври илмларини ўргатинглар, чунки улар сизнинг даврингиздан бошқа даврда дунёга келганлар” деган сўзлари жуда ҳикматлидир. Мутахассислик фанларини ўқитишда педагогик технологиялар (кейс стади, балиқ скелети, турли чизма ва диаграммалар, нилуфар гули методи) дан фойдаланиш таълим олувчиларни фикрлашга, кашфиётларга ин-

тилишга, ҳамкорлик ва шериклик сифатларини шакллантиришга, таълим берувчи томонидан берилган вазифаларни ҳал этиш режасини тузишга, ва энг асосийси, талабалар олдига қўйилаётган муаммони ҳал қилишга, уни мустақил муҳокама қилишга лаёқатли қилиб таълим ва тарбия бериш имкониятини яратади. Шунга кўра, рисоланинг тўртинчи бўлимида педагогик технология ва интерфаол методлар жой олди.

**– Илм йўли жудаям қийин ва машаққатлидир. Бундай масъулиятли ва машаққатли йўлни танлашингизда нима туртки берган ва ким сабабчи бўлган?**

– Ўрта мактабни аъло баҳоларга тугатгач, ма-лакали шифокор бўлиш ниятим бор эди. Умуман ўқитувчи бўлиш ниятим бўлмаган. Ота-онам эса ўқитувчи бўлишимни жуда хоҳлашган. Уларнинг дуоларини олиш мақсадида уларнинг қарорларига қарши боролмадим. Аллоҳга минг бор шукроналар бўлсинки, ота-онамнинг дуолари барокатидан дунёдаги энг шарафли касб эгаси бўлдим. Бу касбнинг шарафи Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам

бутун инсониятга устоз, муаллим бўлганликларидадир. Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламнинг ҳар бир сўзида, ҳар бир ишида мўминлар учун гўзал намуна бор. Мана шу ўрнак биз устозларни ўз касбимизга муҳаббатли, садоқатли қилади, хайрли амалларга шижоатлантиради.

**– Сиз амалга ошираётган илмий ишларнинг жамиятимиздаги фойдалари ва муҳимлиги ҳақида гапирсангиз.**

– Ўқитувчилик фаолиятим туфайли турли давлатларда ўқитиладиган таълим усуллари ҳақида кўплаб маълумотлар тўплаб бораман. Ажабланарли жиҳати шундаки, қайси усулни ўрганмай, мазкур усулларнинг асоси Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламнинг таълим бериш усулларида мавжуд экан. Пайғамбаримиз соллalloҳу алайҳи васалламнинг таълим беришлари методик усулларнинг хилма-хиллиги билан ажралиб турган. Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам таълим беришда қалбга тез жо бўладиган, ақл кўтара оладиган, фаросат етадиган энг чиройли ва афзал усулни танлар

эдилар. Саҳобаларга ҳадис айтсалар, уни турли усулларда етказардилар: гоҳ савол билан, гоҳ жавоб билан, гоҳ саволнинг ўзига жавоб берардилар, гоҳ зиёда ҳам қилардилар, гоҳ мисол келтирардилар, гоҳ ёзиб, гоҳ чизиб таълим берардилар, баъзан ташбеҳ келтирардилар, баъзан ўз фикрларини очиқ айтардилар, гоҳида эса унга ишора қилардилар, гоҳ масалани ечимига олиб бориш учун савол бериб саҳобаларни имтиҳон қилсалар, гоҳида эса саволсиз ҳам таълим берардилар. Агар ҳар бир таълим берувчи мана шу усулларни ўрганиб, ўргата олса, албатта муваффақият қозонади, деб ўйлайман. Ана шу сабаб таълиф этилган китобларда асосан таълим олувчиларнинг қалбларига етиб борадиган усулларни ёритишга ҳаракат қилинмоқда.

**– “Қуръон ўқитиш ва ёдлаш усуллари” китобингиз жуда оммалашди, деярли ҳар бир хонадонда ушбу китобга кўзимиз тушади. Ундан сўнг яна бир қанча китоблар таълиф этдингиз. Бундай муваффақиятларга эришишингизнинг сири нимада?**



– “Қуръон ўқитиш ва ёдлаш усуллари” китоби 2011 йилда чоп этилди. Лекин бу китоб устида ишлаш анча олдин бошланган эди. 1997 йили Хадичаи Кубро аёл-қизлар ўрта махсус билим юртига ўқишга кириш насиб этди. Диний фанлардан таълим олаётган вақтимда баъзи маълумотларни яхши тушуна олмай қийналган вақтларим кўп бўлган. Касбим ўқитувчи бўлгани боис, маълумотларни турли усулларда, чизмалар, жадваллар орқали бериш йўллари ишлаб чиқа бошладим. Кейинчалик, иш фаолиятимда ана шу ишланмаларни тажрибадан ўтказиб, такомиллаштириб бордим. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг “Ўзингга раво кўрганни ўзгага раво кўрмагунингча ҳақиқий мусулмон бўла олмайсан” ҳадисига кўра, Қуръон ўрганувчиларга ҳам фойда бўлиши мумкинлигини ўйлаб, мазкур китобни чоп эттирдик. Албатта, отам ва онамни менг берган таълим-тарбияларини оқлаш, уларни кўзларини қувонтириш ниятим ҳам бўлган. Аллоҳ таолога ҳамдлар бўлсинки, Яратганнинг фазлу карами ила бу китоб ўз мухлисларига эга бўлди.

– Биламизки, кўп йиллардан буён “Хадичаи Кубро” аёл-қизлар ўрта махсус ислом билим юртида етакчи мударриса бўлиб фаолият юритасиз. Ушбу маскан ҳаётингизда алоҳида ўрин эгаллаган...

– Дарҳақиқат, Аллоҳ менга ушбу муборак масканда таълим олиш ва таълим бериш бахтига муяссар қилди. Бу даргоҳда ўтказган 23 йиллик умрим ҳаётимга сурур, қалбимга сакинат бағишлаган. Сабаби, айнан мана шу ерда Аллоҳ Ўзини ва Расулини таниш ва танитиш бахтига муяссар қилди. Кўпгина устозлар, дўстлар ва шогирдлар орттирдим. Юқорида зикр қилинган китоблар устида ҳам шу масканда ишладим. Мени фикримча, таълим олиш ё таълим беришдан қатъи назар, ҳамма бу масканга боғланиб қолади ва уни ўз ихтиёри билан тарк қилгиси келмайди. Мен ҳам ана шуларданман!


– Келгусида қандай мақсад ва режаларни ўз олдингизга қўйгансиз?

– Аллоҳ таоло Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи вассалламга Наҳл сурасининг 125 оятида: “(Эй, Муҳаммад!) Раб-

бингизнинг йўли (дини) га ҳикмат ва чиройли насиҳат билан даъват этинг! Улар билан энг гўзал услубда мунозара қилинг!” деб, таълим бериш холис Аллоҳнинг йўлида бўлиши, бу иш ҳикмат билан амалга оширилиши, инсонларнинг ижтимоий, маданий савияси ва бошқа омилларни эътиборга олиб, оғир келмайдиган йўсинда ўргатиш, таълим бериш яхши мавъиза орқали йўлга қўйилмоғи, инсонларни қизиқтириш, рағбатлантириш учун чиройли сўз ва гапларни топиб гапириш зарур эканлиги, уларни нафратлантирмаслик лозимлиги уқтирилмоқда. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳаётлари мобайнида айнан мана шу оятда уқтирилганидек саҳобаларга таълим бериб, ҳаммага фойда келтириб яшадилар. Иншаллоҳ, менинг ниятим ҳам, қўлимдан келгунча, таълим соҳасида кичкина ишлар бўлса-да, уларни катта муҳаббат ва ихлос билан бажариб, инсонларга, жамиятга, динимга муносиб хизмат қилиш орқали фойда келтиришдир.

*Дилдора Қурбонова  
суҳбатлашди*

# Ота-онага нафақа қилиш



«Сендан нимани нафақа қилишни сўрайдилар. «Нафақа қилган яхшилигингиз ота-оналарга, яқин кишиларга, етимларга, мискинларга ва йўқсил йўлчиларга бўлсин. Қандай яхшилик қилган бўлсангиз, Аллоҳ уни албатта билувчидир», деб айт» (Бақара сураси, 215-оят).

Аввало, бу ердаги «нафақа» сўзининг маъноси бизнинг тилимиздагидан кўра анча кенг эканини айтиб ўтиш керак. Бизда нафақа деганда кексайиб қолган одамларга давлат томонидан бериладиган молиявий таъминот тушуниладиган бўлиб қолган. Аммо динимизда «нафақа», «инфоқ» деганда Аллоҳ таолонинг розилиги учун қилинадиган молиявий ибодат тушунилади. Масалан, эркак киши ўз оиласи ва қарамоғидагиларни таъминлаши инфоқ деб аталиб, унинг зиммасига вожибдир.

Ояти каримада «Сендан нимани нафақа қилишни сўрайдилар» деб, савол нимани нафақа қилиш ҳақида бўлган эди. Жавобда эса нафақани кимларга қилиш ҳам баён этиляпти: «**Нафақа қилган яхшилигингиз ота-оналарга, яқин кишиларга, етимларга, мискинларга ва йўқсил йўлчиларга бўлсин**».

Демак, фақат яхшилик, эзгулик нафақа қилинар экан. Қуръони Каримда хайр, яхшилик сўзи ўз ўрнида мол-дунё маъносида ҳам ишлатилади. Бу жойда ҳам худди шу

маънони англатмоқда.

Нафақага лойиқлар ичида биринчи навбатда ота-она зикр қилинаётгани бежиз эмас. Аввало, инсон табиати ўзи шуни тақозо қилади. Таъминотда кишининг ўзидан кейинги биринчи ҳақдори ота-онаси бўлади. Ота-онасини муҳтож қилиб қўйиб, улардан бошқаларга нафақа қилишдан қандай манфаат бўлиши мумкин? Бу нарса на мантиққа, на инсонгарчиликка тўғри келади. Ота-онадан кейин нафақага ҳақдорлар яқин кишилар, қавм-қариндошлардир. Улардан

кейин эса ҳақдорлик жиҳатидан бошқалардан устунлар ва ҳоказолар келади. Нафақа қилиш худди шу тартибда бўлиши лозимлиги Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳадисларида ҳам кўп зикр қилинган.

Имом Муслим Жобир ибн Абдуллоҳ розияллоҳу анҳудан ривоят қилдилар:

«Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам бир кишига: «Садақа қилишни ўзингдан бошла. Ортиб қолса аҳлингга қил, аҳлингдан ҳам ортиб қолса, қариндошларингга қил. Қариндошларингдан ҳам ортиб қолса, бошқаларга ва ҳоказоларга қил», деганлар».

Нафақа қилиш бандадан, унинг савобини бериш, тақдирлаш эса Аллоҳдандир. Шунинг учун ояти каримада «Қандай яхшилик қилган бўлсангиз, Аллоҳ уни албатта билувчидир», дейиляпти.

Аллоҳ таоло уни билади дегани оддий хабардор бўлади, бу иш Аллоҳга маълум бўлади дегани эмас. Аллоҳ таолонинг ота-онага ва оятда зикр қилинган бошқа тоифаларга қилинган нафақани билиши – бу амал учун беҳисоб ажру

савоблар ато этилиши, эҳсонларнинг ўрни тўлдирилиши, гуноҳларнинг мағфират қилиниши, тавбаларнинг қабул бўлиши, мушкулларнинг осон бўлиши ва энг асосийси, Аллоҳ таолонинг бу бандадан рози бўлишидир.

Келинг, Аллоҳ таоло ота-онага қилинган кичик бир яхшилик учун қанчалик катта мукофотлар бериши мумкинлиги ҳақидаги энг гўзал ҳикоялардан бирини эслайлик.

Ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилнади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар: «Уч киши йўлда кетаётган эди, бирдан қаттиқ ёмғир ёғиб кетди. Улар ёмғирдан қочиб, тоғдаги бир ёрнинг ичига кириб олишди. Шу пайт тоғдан улкан харсангтош тушиб келиб, ёрнинг оғзи тўсилиб, ҳаммаёқ қоп-қоронғи зулматга чўмди. Шунда улар бир-бирларига: «Аллоҳ учун қилган солиҳ амалларимизни васила қилиб, дуо қилайлик, шояд кушойиш берса», дейишди.

Улардан бири: «Аллоҳим! Қари ота-онам, ёш болаларим бор эди. Уларга ҳар куни кечқурун сут соғиб, ичирар

эдим. Аммо сутни болаларимдан олдин ота-онамга ичирар эдим. Бир куни уйга жуда кеч келдим. Қарасам, болаларим оч қолиб кетибди. Сутни соғиб, одатдагидек, аввал ота-онамнинг олдига олиб кирдим. Улар эса мени кута-кута, ухлаб қолишган экан. Уларнинг уйғонишини кутиб, бошларарида туравердим. Болаларим оёғимга осилиб, сут сўраб йиғлашар эди, лекин аввал ота-онамга ичираман деб, уларга сут бермадим. Тонг отгунча шундай ҳолатда турдим. Аллоҳим, ўша ишни Сенинг розилигинг учун қилганимни билган бўлсанг, бизга бир тирқиш очгин, осмонни кўрайлик!» деди. Шу пайт тош бироз сурилди, тирқиш очилиб, ундан осмон кўринди...»

Бу уч мусофир жуда қийин аҳволда қолишган эди. Ёрнинг ичида қолиб кетишган, бировни ёрдамга чақиришнинг ҳам иложи йўқ. Аллоҳга ёлворишдан бошқа ҳеч қандай чора йўқ. Аммо Аллоҳга ёлбориш ҳам ҳар хил бўлади. Аллоҳ таоло банданинг қандай ёлворишини тезроқ қабул қилади? Улар ўз ҳолатларидан келиб чиқиб,

ўйлаб-ўйлаб, бир қарор-га келишди.

«Аллоҳ учун қилган солиҳ амалларимизни васила қилиб, дуо қилайлик, шояд кушойиш берса».

Улар Аллоҳ таолога қуруқдан-қуруқ ёлворишни ўзларига эп кўрмадилар. Умрларида Аллоҳ учун қилган солиҳ амалларини васила қилиб, Аллоҳдан омонлик сўрашни маъқул топдилар.

Биринчи бўлиб дуо қилган киши кекса ота-онасига чин ихлос билан қилган ҳурмат-эҳтироми ва хизматини Аллоҳга васила этишга қарор қилди. Унинг қари ота-онаси, ёш болалари бор экан. Ҳар куни ишидан қайтиб келиб, қўйларини соғиб, ота-онасининг ҳурматини қилар, сутни аввал уларга, кейин болаларига берар экан. Демак, уларнинг бошқа таомга имконлари йўқ экан. Бир куни у ишидан кеч қайтибди. Қараса, ота-онаси ухлаб қолишибди. Одатдагидек, сутни соғиб, ухлаб ётган ота-онасининг бошларига келибди. Уларга озор бермаслик учун уйғотишни ўзига эп кўрмабди. Уйғониб

қолишса, қоринлари оч ҳолда мени излаб қолишмасин деб, жойидан жилмай тураверибди. Ўзи кундузи билан ишлаб чарчаб келган бўлса-да, ухламабди. Болалари очликдан оёғи остида йиғлаб турса ҳам, ота-онам уйғо-

**«Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам бир кишига: «Садақа қилишни ўзингдан бошла. Ортиб қолса аҳлингга қил, аҳлингдан ҳам ортиб қолса, қариндошларингга қил. Қариндошларингдан ҳам ортиб қолса, бошқаларга ва ҳоказоларга қил», деганлар».**

ниб, сутсиз қолмасин деб, сутни болаларига бермабди. Тонг отгунча шу ҳолатда, ота-онасининг бошида тик туриб чиқибди.

Ана шу банда Аллоҳ розилиги учун ота-онасига ихлос билан қилган хизматларини васила қилиб, бошига тушган мушкулни аритишни сидқидилдан сўрабди. Аллоҳ таоло у одамнинг илтижосини қабул қилиб, мазкур солиҳ амали эвазига ғор оғзининг учдан бирини очибди.

Демак, Аллоҳнинг розилиги учун ота-онага иззат-эҳтиром кўрсатиб, уларга ихлос билан хизмат қилиш фарзандга нафақат охиратда, балки бу дунёда ҳам

яхшиликлар етишига сабаб бўлар экан. Ҳатто бошига тушган мусибатнинг кўтарилишига ҳам васила бўлар экан...

Шундай экан, ўзимизга савол бериб, унга инсоф ила жавоб берайлик-чи: ҳаммамиз ҳам ота-онамизга етарлича нафақа қила оляпмизми? Болаларимизга неча марталаб сарфлаганимизда ота-онамизга ҳам бир бор сарфляпмизми? Таъминот борасида ота-онамизни бошқалардан афзал кўра оляпмизми?

Агар бу саволларга ижобий жавоб бера олсак, демак, Аллоҳ таолонинг раҳматига сазовор бандалардан бўламиз. Аммо, Аллоҳ асрасин, бундай бўлмаса, тезда ўзимизни ўнглаб, Роббимизнинг раҳматига шошилайлик, ота-онамизнинг хизматига шошилайлик, қўлимиздан келган барча солиҳ амалларда аввало уларни биринчи ўринга қўяйлик.

Аллоҳ таоло барчамизга бу дунёда мазкур ояти каримага амал қилиб яшаб ўтишни насиб айласин!

Одинахон  
Муҳаммад Содиқ

# Аёллар хусусида Аллоҳдан қўрқингиз!

Францияда ҳар етти дақиқада бир аёл зўрланади.

Бештадан битта аёл эрига хиёнат қилади.

Ҳар уч кунда оилавий можаролар туфайли битта аёл вафот этади.

Йилига 200000 аёл жинсий тажовузга рўбарў бўлади.

Франция ҳукумати ислом жамиятларини мусулмон аёлларнинг шароитларини яхшилаб беришга чақиришади!

Туркий Шалҳуб

**К**уни кеча янгиликларда Наманганда 28 ёшли аёлнинг эри томонидан қаттиқ калтакланиб вафот этгани хабар қилинди. Бир ойлик гўдаги бор аёлнинг шафқатсизларча калтаклангани қалбимни ларзага келтирди. Катта бир оилада - ота ҳам, она ҳам, қайин ака-укалари ҳам бор

хонадонда бир аёлнинг аёвсизларча калтакланиб, оғир аҳволда касалхонага ётиши ва кўп ўтмай вафот этиши қайси бир хонадонда қизи бор ота-онанинг қонини қайнатмайди, ғазабини жунбушга келтирмайди! Гулдек қизининг умрини завоқ қилган, норасида гўдакни онасиз

яшашга маҳкум этган бу эркакни ким оқлайди?!

“Ўлдириш ниятида урмаган-ку!” дея оқлашади яқинлари...

Бундай дил оғритадиган жиноятлар фақат бугина эмас, кун ора бўлмаса ҳам, аҳён-аҳёнда ахборотларда, ижтимоий тармоқларда тез-тез қулоғингиз ости-



да ваҳима солиб жаранглаб турибди. Бу жиноятни эшитмасимдан сал олдинроқ Жиззах шаҳрида 4-5 ойлик ҳомиласи бор аёлни эри лифтда ёндириб юборган эди...

Жаҳон банкининг “Аёллар, бизнес ва қонунлар – 2016” деб номланган ҳисоботида айтилишича, ҳозирда дунёдаги 46 мамлакатда оилавий зўравонликни тақиқловчи қонунлар йўқ. Кузатувларга кўра, юртимизда аёлларга нисбатан энг кўп қўлланиладиган зўравонлик тури бу – оиладаги зўравонлик ҳисобланаркан.

“Аёлларга нисбатан бундай зўравонлик охириги икки-уч йилда авж олди ми ёки бу аввалдан мавжуд эди ми?!”

Бу саволга Uzanalytics.com сайтига адвокат Зайнура Толипова шундай жавоб беради: “Муаммо ўтган асрнинг турғунлик йилларидан бери авжида. Фақат жамиятнинг иқтисодий даражасига қараб кўрсаткич ўсиб ёки камайиб туради, холос... Афсуски, унинг туб илдизлари жамият ва турмуш даражасига бориб тақалади”. Мутахассиснинг айнан шу фикрини ҳаётда кузатганларим билан, кўрганларим билан тасдиқлайман.

Болалагимдан то катта синф бўлгунимга қадар қўшнимиз Зайнаб опанинг оғриқли ҳаётига гувоҳ бўлганман. Шўрлик аёл эрининг калтакларидан қочиб, бизнинг уйдан паноҳ

топарди. Тонгдами, тундами, фарқи бўлмасди, бир аҳволда, сочлари тўзиган, кўзи кўкарган, баъзан оёқ-яланг, баъзан эса йиғлаб югуриб келарди. Онамнинг қаттиққўллигини билган эри бизникига ҳадди сиғиб киролмай қайтиб кетарди. Калтаклар зарбидан кўзлари ҳам яхши кўрмайдиган бўлиб қолган эди. Бир куни онамга: “Нега уйларига кетиб қолмайди?” дейман. Онам эса: “Учта боласи бор, қайга боради, онасиникига сифармиди? Сабр қилади-да! Бир кун эрига инсоф бериб қолар...” дерди.

“Эрига бир кун инсоф бериб қолар...” Уша келиши керак бўлган – инсоф бу эркакка дарров келмади. Аёл, онам айтганидек, сабр қилди. Жуда кўп! Аммо йиллар аёл ва болалар руҳиятида жуда кўп аламлар, изтироблар, дардлар уйғотиб улгурган эди...

Яна битта оғриқли факт. Нодира исми яқин танишим бўларди. Анча тўқ жойга, катталар тили билан айтганда, “қийналмай яшайди”ган оилага келин қилиб узатишди. Аммо оилада тўқчилик бўлса-да, эр-хотин ўртасида зиддиятлар жуда кўп эди. Тўғри, Нодирани эри ичмасди, аммо маънавий камситиб, шахсиятига тегиб, руҳан азобларди. У ўзини ҳимоя қилиб айтилган гаплар учун калтаклар зарбида қоларди. У уйдагиларига эри билан яшай олмаслигини бир неча марта айт-

ган, аммо уйдагилари ҳам, худди онам айтганидек, “Сабр қил! Эринга бир кун инсоф бериб қолар...” деган овутишлар билан яна уйига олиб бориб қўярди. Аммо Нодира қўшним Зайнаб опа каби “сабр” қилолмади. Бир куни уйда аввалгидай можаролардан бири бўлиб ўтди. У энди уйига бормади. Боришни ҳам истамади. У ўз жонига қасд қилди – ўзини осиб қўйди!

“Ўз жонинга қасд қилгин, деб урмаган!” деб яна оқлашади яқинлари...

Қайнона, қайнисингилар аралашуви билан арзимаган баҳона билан эридан калтак ейдиган аёлларимиз қанча! Калтаклар остидаги қийноқларга чидай олмаган ва ўз жонига қасд қилган аёлларимизчи?! Одатда аёлларимиз қийин ва оғир ҳолатларга ҳам дуч келган вазиятда яқинларидан сир тутишадди, айтишмайди, қўрқишадди ёки истиҳола қилишадди. Аммо бунинг оқибати нималарга олиб келишини ўйлашмайди.

Оилавий зўравонликни ҳеч қандай шароитда оқлаб бўлмайди. Чунки у инсоннинг асосий ҳуқуқларига – ҳаёти, соғлиги, шаъни, қадр-қиммати, эркинлигига дахл қилади. Зўравонлик фақат жисмоний куч ишлатиш билан эмас, руҳий, ахлоқий, иқтисодий ва маиший босим кўринишларида намоён бўлади. У оиланинг ҳар қандай аъзосига нисбатан

қўлланиши мумкин. Ҳақоратлаш, мажбурлаш, зўрлаш, иқтисодий чекловлар қўйиш, мунтазам руҳий қийноққа солиш каби ҳолатлар ҳам зўравонлик сифатида баҳоланади.

Аёлларга нисбатан зўравонлик муаммоси ҳар қандай жамият учун инсон ҳуқуқини поймол қилиш билан боғлиқ бўлган жиддий муаммолардан бири саналади. Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига кўра, бутун дунёдаги аёлларнинг 35,6 фоизи жисмоний ва жинсий зўравонликка дуч келади ва бу одатда уларнинг турмуш ўртоқлари томонидан амалга оширилади. Бу эса бутун жаҳонда мавжуд бўлган ўта долзарб муаммолигини исботловчи статистик маълумотдир.

Тадқиқотлардан маълум бўлишича, аёлларга нисбатан зўравонлик жаҳондаги барча мамлакатларда, уларнинг сиёсий, иқтисодий ва маданий тараққиётдан қатъи назар, мавжуд ҳолат ҳисобланади. Масалан, Японияда 59 фоиз, АҚШда 40 фоиз, Канадада 25 фоиз аёллар жисмоний зўравонлик қурбони бўладилар. Социологлар ҳулосасига кўра, 60 миллион аёл турли шаклдаги камситилиш, таҳқирлаш ва зўравонлик қурбони бўлишади.

Аёлларга нисбатан жисмоний ва жинсий зўравонлик бўйича энг юқори кўрсаткич Африкада қайд этилган – 45,6 фоиз. Европанинг паст ва ўртача ҳаёт

даражасига эга мамлакатларида бу кўрсаткич 27,2 фоизга тенг. Бироқ бу ривожланган давлатлар аёллари учун хавфсиз дегани эмас. Мазкур давлатлар хотин-қизларининг 32,7 фоизи ҳаётининг бирор палласида зўравонликка учрагани таъкидланади.

81 та давлатда ўтказилган ЖСССТ тадқиқотларида ривожланган мамлакатлардаги аёлларнинг 23,2 фоизи турмуш ўртоқлари томонидан зўравонликка учраши маълум бўлди. Шунингдек, бой ўлкалардаги аёлларнинг 12,6 фоизи бегона эркалар томонидан жинсий зўрланади. Африкада эса бу борадаги кўрсаткичлар камроқ кузатилган – 11,9 фоиз.

Таҳлиллар яна шуни кўрсатадики, оиладаги низо натижасида содир этилган жиноятларнинг 21,3 спиртли ичимлик, 10,1 фоизи етишмовчилик, 13,2 фоизи келишмовчилик, 7,4 фоизи менсимаслик, 16,8 фоизи жанжал, 10,3 фоизи рашк ёки хиёнат, 9,7 фоизи адоват, 6,1 фоизи молмулк талашиш, 5,1 фоизи ҳақорат қилиш каби омиллар сабабли бўлган.

Сенатор, Самарқанд вилояти хотин-қизлар раиси Гавҳар Алимованинг Sputniknews-uz.com муҳбирига берган сўзларига кўра, Самарқанд вилоятининг ўзида 600 нафардан ортиқ ичкиликка ружу қўйган ва аёлига, фарзандларига тазйиқ ўтказувчи эркалар рўйхатга олинган

ни қайд этилган. Ўтган йилнинг 8 ойи ичида Самарқанд вилоятида 109 та ўз жонига қасд қилиш ҳолати кузатилган. Шундан 20 тасига оилавий масала сабаб бўлган, яъни 25 фоизи бевосита тазйиқ ва зўравонлик оқибатида содир бўлган.

Матбуот анжуманларининг бирида Хотин-қизлар қўмитаси раиси Эльмира Баситханова ўтган йилнинг 5 ойи давомида “1146 – Ишонч телефони”га республика хотин-қизларидан 15 мингдан зиёд мурожаат келиб тушганини ва мурожаатлар асосан Тошкент шаҳар, Қашқадарё, Бухоро, Андижон, Хоразм вилоятларидан келганини қайд этади. Уларнинг энг кўпини уй-жой, оилада ўзаро келишмовчилик, суд қароридан норозилик, алимент ундириш ва маҳалладан моддий ёрдам олиш масалалари ташкил этади.

2018 йилда аёлларга нисбатан жами 5 664 ҳолатда тазйиқ ва зўравонликлар содир этилган бўлиб, содир этилган жиноятлар натижасида 932 нафар аёл жабр кўрган.

Юртимизда зўравонлик муаммоси билан курашишнинг ҳуқуқий асосини яратиш ҳамда хотин-қизларни ҳимоялаш механизмини кучайтириш мақсадида 2019 йил сентябрь ойида янги “Хотин-қизларни тазйиқлар ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни қа-

бул қилинди. Мазкур қонун давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 7 мартдаги “Хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтириш ва тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига мувофиқ ишлаб чиқилди. Қонуннинг мақсади хотин-қизларни турмушда, иш жойларида, таълим муассасаларида ҳамда бошқа жойларда тазйиқлар ва зўравонликнинг барча шаклларида ҳимоя қилишга қаратилган. Қонун билан таянч тушунчалар жорий этилди. Яъни зўравонлик, жинсий, жисмоний, иқтисодий, руҳий зўравонликлар, иш жойи, тазйиқ, тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчи, тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш, тазйиқ ва зўравонликларнинг олдини олиш, муҳофаза ордери каби тушунчалар киритилди.

Бугунги кунда жойларда ҳам зўравонликдан жабр кўрганлар учун реабилитация марказлари ташкил этилган. У ерда улар учун ҳар қандай кўмаклар берилади. Бундай хайрли ишларнинг қилиниши муҳтарам аёлларимиз учун қилинган сайъ-ҳаракатлардир.

Аммо жамиятда бу аёллар учун қанчалик кўмак ва шароитлар яратилмасин, унинг оиладаги, эр олдидаги ҳурмати ва эътибори бўлмаса, бундай ёрдамлар нисбий бўлиб қолаверади. Мутахассислар

оиладаги зўравонликларнинг келиб чиқишини отонинг фарзандларига меҳр-муҳаббат бермаганлиги, уларни бир-биридан ажратиб муомала қилганлиги, вақтида улар тарбиясига бефарқ қараганлари, назорат қилмаганлари каби бир қанча сабаблар билан изоҳлашади.

Оила - инсон учун муқаддас маскан. Айнан мана шу оилада инсоннинг энг соф ва покиза туйғулари, илк ҳаётий тушунча ва тасавурлари шаклланади. Оиладаги тарбия доимо мураккаб ва серқирралиги билан ҳам инсонга масъулият юклайди. Ҳар бир оила ўзига хос олам ҳисобланади. Оиладаги соғлом муҳит, одамийлик, инсонпарварлик муносабатлари фарзандларимизнинг руҳий дунёсига таъсир кўрсади. Гўзал муносабатлар шаклланишида динимизнинг, тўғри эътиқодимизнинг оиладаги аҳамияти катта эканини унутмаслигимиз керак.

Динимизда аёлларга юксак ҳурмат ва эътибор билан қаралган. Қуръони каримнинг 35 та сура ва 102 та оятида “аёл” сўзи ишлатилган, суралардан бири айнан “Нисо” яъни “Аёллар” деб номланиши ҳам аёлнинг мавқеи, унинг ҳаётдаги ўрни, ҳақ ҳуқуқлари батафсил баён этилиши уларга бўлган эътиборнинг ёрқин ифодаси эмасми?! “Кимсан” деса, “Худога шукр, мусулмонман”, дейдиган халқмиз,

алҳамдулиллаҳ. Аммо мусулмончиликнинг, жилла қурса, “Аёллар хусусида Аллоҳдан қўрқингиз. Зеро, сиз уларни Аллоҳдан омонат ўлароқ олгансиз” деган огоҳига риоя этишни билайлик. Аёлнинг сиз учун омонат эканини унутмайлик.

“Ўлдириш ниятида калтакламаган-ку!” , Ўз жонингга қасд қилгин деб урмаган-ку!” деган уятсиз ва андишасиз “оқлов” қилишдан тавба қилиб, гуноҳларимизга каффорат сўрайлик.

Пайғамбаримиз алайҳиссалом: “Мўминларнинг энг иймони мукаммали гўзал хулқлисидир. Сизларнинг энг яхшингиз аҳли аёлига яхши муносабатда бўладиганингиздир”, (Имом Термизий ривояти) деганлар. Аҳли аёлига қўл кўтараётган эй эркак, мўмин бўлсангиз, ўзингизни шундай атасангиз, Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг ҳадисларини зое қилмасликка жаҳд қилинг. Зеро, сиз катта қўрғоннинг катта раҳбарисиз! Аёл эса сизнинг ортингизда катта бир жамоани шакллантирувчи ва уларни сизга бўйсундирувчи улкан бир кучдир! Сиз уни асраб-авайласангиз, “мўмин” деган сўзга лойиқ бўласиз! Сиз уни гўзал хулқингиз ила, дин йўлида тарбият қилинг, у эса сизни, зурриётларингизни ва бутун бошли халқни тарбият қилади, иншааллоҳ!

Райҳона





# Боланинг жаҳли чиққанда...

Бир болакайнинг кичкина машина ўйинчоғи бор экан. Бола уни жуда яхши кўрар экан. Бир куни шу машиначаси синиб қолибди. Болакай мактабдан келиб қараса, синиб қолган ўйинчоғини онаси ахлат қутисига ташлаб юборибди. Бола жуда қаттиқ хафа бўлиб, жаҳли чиқибди. Жаҳлдан ўзини бошқара олмай, онасини муштлаб уриб юборибди. Онаси нима бўлаётганини тушуна олмай, ўғлининг бу

ишидан кўрқиб кетиб, йиғлаб юборибди. Бола ҳам бирдан ўзига келиб, қилган ишидан афсусланиб, нима қилишини билмай қолибди. Йиғлаб, онасидан кечирим сўрабди. «Бошқа бундай қилмайман, кечиринг», дебди ҳиқиллаб. Онаси эса гап нимада эканлигини тушунган бўлса ҳам, қаттиқ хафа бўлганидан бир қанча вақтгача ўзига келолмабди. Чунки ўғлидан бундай ишни кутмаган эди.

Кейин она нега бун-

дай бўлди, нима қилиш керак, деб ўйланибди. Қариндошлари, дугоналарига айтиб, маслаҳат сўраган экан, улар: «Она нима қилса ҳам, фарзанд онасига бундай муомала қилмаслиги керак. Қандай қилиб урса ҳам инадамай қараб турдингиз? Ўша жойнинг ўзида боланинг яхшилаб таъзирини бериб, жазолаш керак эди. Ҳали ҳам кеч эмас, яхшилаб уришиб, жазосини беринг», деб маслаҳат беришибди.

Она интернет орқали

Европада яшовчи бир психологдан маслаҳат сўраган экан, у: «Ўзингизнинг ҳам айбингизни тан олиб, кечирим сўранг. Бундай ҳолда жаҳл чиққанда куч ишлатмай, бошқа йўллар билан ғазабни босиш кераклигини тушунтиринг. Масалан: «Нега ундай қилдингиз?!» деб бақиринг мумкин, оёқларинг билан полни тапиллатиб ташласанг ҳам бўлади, лекин куч ишлатиб, бошқага зарар етказмаслик керак», деб тушунтиринг.

Ичида алами қолиб кетмаслиги муҳим» каби маслаҳатлар берибди.

Она шу куни тун билан ўйланибди. Танишлари берган маслаҳатга амал қилса, ўғлининг олдида ўзининг ҳам айби бор – ўғли билан маслаҳатлашмасдан, ўйинчоғини ташлаб юборган. Психолог айтганидек, алами, нафрати ичида қолиб, кейинчалик руҳиятида, муносабатида намоён бўлиши мумкин.

Агар боласи ҳар гал жаҳли чиққанда ўзини психолог айтганидек тутса, жуда хунук кўринадиди, яна жаҳлда ўзини бундай тутиш саломат-

ликка ҳам ёмон таъсир қилади... Юрак, қон-томир касалликлари келиб чиқиши мумкин.

Шунда онанинг ёдига «Рухий тарбия» китобидаги ғазаб ҳақидаги мавзу тушибди. Китобни олиб, ўқибди ва эрталаб туриб, фарзанди билан ҳам бу мавзунини муҳокама этишга қарор қилибди.

Эртасига она боласи-

«...ғазабини ютадиганлар ва одамларни афв қиладиганлардир...»

га жаҳл чиққан пайтда ўзини тутиш бўйича қуйидаги тавсияларни айтиб берибди:

- Жаҳлинг чиққанида имкони бўлса, ўтириб олгин-да, қаттиқ хафа бўлаётганини айт ва орқасидан «Аъузу биллаҳи минашшайтонир рожийм», дегин. Қайта-қайта айтсанг ҳам майли.

Шунда ҳам босилмаса, таҳорат олишга киришгин. Оли Имрон сурасининг 134-оятда келган «...ғазабини ютадиганлар ва одамларни афв қиладиганлардир...» деган жумлаларни эсла, ёддан такрорла.

Ҳаётимиздаги ҳар бир иш Аллоҳнинг иродасисиз бўлмаслиги ҳақида фикрла. Таскин топасан.

Сендан сўрамай, ўйинчоғингни ташлаб юборганим учун кечир. Болажоним, баъзан катталар ҳам фарзандларини хафа қиладиган ишларни қилиб қўйишади. Лекин бу ишни фарзандларига зарар етмаслиги учун қили-

шади. Синган ўйинчоғингнинг қирралари сенинг бирор жойингни шилиб юборишини хоҳламаган эдим... деб-

ди.

Болакай онасини тушуниб, маҳкам қучоқлаб олибди ва ўзи ҳам қилган ишидан қаттиқ афсусда эканини айтибди. Жаҳли чиққанда амал қилиши лозим бўлган тавсияларни ёзиб олиб, дарс столи ёнига ёпиштириб қўйибди. Уйда, мактабда, қаерда бўлмасин, жаҳли чиққанда тезда ўтириб, «Аъузу»ни айтадиган бўлибди. «Ғазабини ютадиганлар» оятини ҳақида ўйлагани сари жаҳли ҳам деярли чиқмайдиган бўлибди.

Оиша



## ҚИЗ ФАРЗАНДНИНГ ҲАЁТИДА ОТАНИНГ УРНИ

Қиз боланинг тарбияси билан унинг ота-онаси, буви-боболари, ака-укалари, опалари, аммаю ҳола, тоғаю амакилари иштирок этадилар ва улар қиз болани қандай тарбиялаш кераклигини яхши биладилар. Аммо бу қиз ўспиринлик ёшига яқинлашганида, вояга етганида, турмушга чиққанида унинг ҳаётида катта-катта муаммолар пайдо бўлиб, санаб ўтилган қариндош-уруғларнинг боши гангиб, нима қилишни билмай қоладилар.

Энг биринчи муаммо – бу ўспирин ёшида ахлоқ-одобида пайдо бўладиган ўзгариш. Айнан шу вақтда оналар қизларини “у ўзгариб қолди”, дея ҳали психологга, ҳали бувилариникига тар-

биялаш учун етаклаб борадилар. Бу ёшда қиз бола ўзига ҳаддан зиёд оро берадиган, катталарнинг гапини писанд қилмайдиган, кўп ёлғон гапирадиган бўлиб қоладилар, ўғил болалар билан гаплашишга мойил бўлиб, “севги балосига” учрайдилар.

Иккинчи муаммо – қиз бола турмушга чиққач, куёв билан келиша олмаслиги, унинг ҳоҳиш-истакларини тушунмаслиги, унга бўйин эгмаслиги ёки ундан ҳазар қилиб, алоҳида ухлашни талаб қилиш ҳолатларининг юзага келиши.

Учинчи муаммо – ёши улғая боргач, ўз турмуш ўртоғидан кўнгли тўлмасдан, ундан ажрашиб, ўз бахтини

излашни истаб қолиш ҳолатлари.

Бизнинг халқимизда «Бола бошидан», деган нақл бор. Ҳамма муаммо аслида боланинг туғилиб, ота-онасини танишидан, овозларга, гап-сўзларга таъсири пайдо бўлишидан бошланади. Ана шу вақтдан бошлаб отанинг оилада, қиз боланинг тарбиясида энг катта ўрин эгаллаши намоён бўла бошлайди. Афсуски, бизнинг жамиятимизда қиз боланинг тарбияси аксарият ҳолларда оналарнинг зиммасига тушади. Гўё қизни она, ўғилни ота тарбиялаши керакдек. Аммо бу нотўғри фикрдир. Қиз боланинг келажакда ўз турмуш ўртоғига тўғри муносабатда бўлиши учун жавобгар шахс

– бу қизнинг отасидир. Чунки ота қизининг ҳаётидаги ибрат кўрсатувчи ҳақиқий посбон, суянчиқ, суюкли, меҳрибон, жавобгар, совуқ-иссиғидан хабар олувчи, таъминловчи энг биринчи ҳақиқий эркақдир. Бундай муомалани кўриб ўсган қиз келажагидан кўрқмайди. Чунки унинг учун бутун дунё унга меҳрибончилик кўрсатади. Худди шундай, қиз фарзанд ота учун гўёки қуёш, малика, ғурури-ифтихори ва дунёдаги энг гўзал ва энг ақлли инсондир. Суюкли ота бағрида ўсиб вояга етган қиз ўзига ишонган, ўзига юқори баҳо берадиган (чунки ота ўз меҳри билан бунини исботлаган бўлади), кўп ишлар кўлидан келишига ишонадиган, келажакда турмуш ўртоғининг ҳам суюкли аёли бўлишига кўзи етадиган бўлади. Айнан мана шу ишончлар бу қизнинг турмуш ўртоғини ва ўзини бахтли қилишига замин яратади. Бу ерда шуни таъкидлаш лозимки, отанинг ўз турмуш ўртоғига қилган муомаласи келажакда қизининг ўз турмуш ўртоғидан кутадиган муомаласи каби бўлади. Яъни шунга лойиқ қиз бўлиб шаклланади. Мисол учун оилада отаси онасига кўпол муомала қилади, дейлик. Баъзан қўл ҳам кўтаради. Онанинг ота олдида ҳурмати йўқ. Бу муносабатни кўриб вояга етган қиз, турмушга чиққач, ўз турмуш ўртоғидан худди шу муомалани топади ва шунга лойиқ аёл бўлади. Чунки оилада кўрган вазиятлардан сўнг бу қизнинг онгида ҳамма эркақлар ўз аёлларига худди шундай муомала қилади, деган дастур битилиб қолади. Ҳамда

бу қиз онаси учун дили оғригани сабабли ўз отасига нисбатан катта адоватни бутун умр қалбида сақлаб юради. Бу эса қалбга катта зарба берувчи омил бўлиб, унинг фарзандларига ҳам ўз таъсирини кўрсатади. Яъни унинг фарзандлари ҳам ўз оталарига нисбатан адоватли ҳис-туйғуда бўладилар.

Агар қиз бола болалигидан ота меҳрига зор бўлиб ўсса, у ўзига ишончсиз, руҳан заиф, сўлғин, маҳдуд ёки аксинча, агрессив, манман, эркақлардан устун келишга ҳаракат қиладиган, эркақларни ҳурмат қилмайдиган бўлиб вояга етади. Бу каби қизлар фақат ўзига ишонишга, ҳар қандай нарсага ўз кучига, оғир меҳнатига суяниб эришишга ҳаракат қиладилар. Чунки улар бировдан ёрдам сўрашни билмайдилар, шу билан бирга ўзларининг ожиза эканликларини тан олмайдилар. Шахсий ҳаётлари кўпинча аянчли ўтиши, бахтга эришсалар ҳам, жуда катта йўқотишлар ва кўп тажрибалар туфайлигина эришишлари мумкин. Чунки қалбан улар эркақ кишининг (қайси ниятда эканининг фарқига бора олмагани сабабли) бир оғиз ширин гапига учиб, ишониб, уни “ҳақиқий шахзода” деб қабул қиладилар, бу дунёда унингдек бошқа эркақ йўқ, деб қабул қиладилар. Ёки ундан ҳам аянчлироғи, «ўз отамдан фалон, фалон томони билан фарқ қилади, отам онамни эзганидек, бу мени эзмайди, зулм қилмайди», деб адашадилар. Ҳатто кўпинча яхши инсонга турмушга чиқсалар ҳам, ўз турмуш ўртоғидан худди отаси онасига қилган муома-

лани топадиган хатти-ҳаракатни қиладилар. Аксарият ҳолларда эса ота онага зулм қилганини ва қиз фарзандига безътибор бўлганини кўрган қиз турмуш қуришни ҳоҳламайди, «ўзига хон, ўзига бек» бўлиб, ёлғиз яшашни истайди ва «карьерани қилишни» истаб қолади. Шунинг учун оталар ўз аёлларига нисбатан меҳр-муҳаббатли, эътиборли, ҳурмат-эҳтиромли эканликларини оилада фарзандларга билдиришлари ўта муҳимдир.

Ота бўлиш – бу жуда катта масъулиятдир. Бу масъулиятни ҳис этиш эса жуда катта неъмат ва келажак авлодларга кучли таъсир кўрсатувчи муҳим омилдир. Қиз фарзандларига меҳрибон бўлиш, уларга совғалар улашиш, ширин гапларни айтиш, эркалатиш, уни ҳурмат қилиш, унинг ютуқлари билан қувониш, уни руҳлантириш, маслаҳатлар бериш, унга ғамхўрлик қилиш ундан туғилажак фарзандларнинг илм-маърифатли, баркамол бўлиб вояга етишлари, ўзига ишонадиган қадрли баланд, мақсад сари интилувчан, ҳур инсон бўлиб етишишларида зарур омил бўлиб хизмат қилади. Шунинг учун ҳар бир ота ўғил ва қиз фарзандларини ажратмаслиги, ижтимоий ҳаётнинг гўзал тарзда шаклланиши, жамиятимиз равнақи учун ҳаракат қилиши эса, бунинг учун эса ўзининг зиммасидаги улкан масъулиятни тўлиқ ҳис этиб яшаши керак. Валлоҳу аълам.

*Muslimaat.uz сайти  
психологи Мадина Джураева*



## Фарзандларимизда Қуръонга муҳаббат уйғотиш

### Фикрлаш ва муҳокама

Китобнинг турлари жуда кўп. Фарзандингиз билан айнан шу мавзу очилганда, китобларнинг ҳар хиллиги – катта ва кичик, расмли ва расмсиз, умуман бошқача китоблар ҳам бўлиши мумкинлиги ҳақида суҳбатлашинг. Уйингиздаги барча ажойиб ва қизиқарли китобларни йиғиб, биргаликда солиштириб чиқинг. Кўздан кечириб, ҳар биридан ноёб ва қизиқарли томонини топишга ҳаракат қилинг.

– Нима деб ўйлайсан, инсонларга китоб нима учун керак?..

– Улар билим олишлари ҳамда олган билимларини бошқаларга ҳам тарқатишлари зарур...

– Қизиқ, китоблар бўлмаган даврда қандай қи-

либ билим беришган?..

– Мана, қара, бизда болалар учун ҳам, даданг ва мен учун керакли, фойдали маълумотларга бой бўлган турли хилдаги китобларимиз ҳам бор...

– Келажакда бу китобларга нима бўлади?..

### Муҳокамадан сўнг болага Қуръонни кўрсатинг!

– Бу қандай китоблигини биласанми?..

– Қуръон ҳақида нималарни биласан, унда нималар ёзилган?..

Ажабланиш ва завқланиш

– Биласанми, шундай Китоб борки, у ўзида сирларни сақлайди. Уни ўзгартириш, унга қўшимча киритиш ҳам мумкин эмас. Кўпчилик Қуръонни қайта ёзишга, ўзгартиришга ури-

нишган, лекин асрлар давомида бунинг уддасидан чиқа олишмаган ва бундан кейин ҳам бу ишни қила олишмайди, чунки Аллоҳ таоло бунга Қуръонда ваъда берган...

Қуръони Карим қанчалар ажойиб, мўъжиза китоб эканлигини ҳайратланарли даражада жалб қилиш орқали тушунтириб беришингиз муҳим бўлади...

### Ижодкорлик

Агар мўйқаламни сутга ботириб ёки пахтали таёқча билан оддий қоғозга ёзилса, қуригач, ёзув рангсиз бўлиб қолади. Юқори ҳароратда, масалан, дазмол ёрдамида кўриниши мумкин. Аввало болага матн ёки сўзни шу тарзда ёзиб кўрсатинг. Агар у ўқишни билса, сўранг-чи, нима деб ёзилган, ўқий оладими йўқми? Кейин дазмолни юргизиб, ёзувни кўрсатиб беринг. Шу ерда Қуръон билан ўхшашликни тушунтирасиз: инсоният мавжуд экан, Қуръон ўзида ҳар бир авлод учун аталган сирларни сақлайди. Қуръондан мисоллар ҳам келтиришингиз мумкин, масалан, эмбрион сирлари, сув ҳақида ва ҳоказо. Шу тарзда Қуръон ҳақида тушунча пайдо қилишингиз ҳамда бола учун китобларнинг султони мавжуд эканлигини англатишингиз мумкин.

ТРИЗ педагоги  
Алсу Сагирова  
(Ирода Исмаилова  
таржимаси)

## Билимсизликнинг шифоси- савол



Аллоҳга муҳаббат  
Ассалому алайкум. Менинг у дунёю бу дунёдаги мақсадим Аллоҳимга чексиз меҳр-муҳаббатда бўлиш. Бунга қандай эришсам бўлади? Қандай қилиб Аллоҳга чин ошиқ бўла оламан?

Одинахон Муҳаммад Юсуф:

Ва алайкум ассалом! Аллоҳга муқарраб бўлиш учун устозларимиз уч нарсани айтганлар. Аллоҳ фарз қилган нарсаларда бардавом бўлиш, солиҳларнинг суҳбатида бўлиш ва гуноҳдан тийилиш. Валлоҳу аълам.

### НАФЛ РЎЗА

Ассалому алайкум. Ражаб ойида нафл рўза тутиш учун қилинадиган ниятда нима дейилади?

**Одинахон Муҳаммад Содик:**

Ва алайкум ассалом. Зиммасида бошқа қарз рўзалари бўлмаса, ражаб ойида ҳам, бошқа ойларда ҳам тутиладиган рўзаларга «Холис Аллоҳ учун бугун субҳдан шомгача нафл рўза тутишни ният қилдим», деб ният қилинади. Валлоҳу аълам.

### НАМОЗДАН КЕЙИН САЛОМ БЕРИШ ҲАҚИДА

Ассалому алайкум, ҳурматли устозамиз. Сиздан Аллоҳ рози бўлсин. Ҳаммамизга маълумки, намоз ўқиб бўлгандан сўнг ҳамма бир-бирига салом беради. Лекин яқинда мен салом бериб бўлмас экан, деб эшитдим. Шу ростми? Умуман, салом бериш кераклиги ҳақида ҳадис борми? Жавобингиз учун олдиндан раҳмат.

**Одинахон Муҳаммад Содик:**

Ва алайкум ассалом. Оят ва ҳадисларда айнан намоздан сўнг томонларнинг бир-бирларига салом беришлари ҳақида кўрсатма келмаган. Аммо умумий ҳолатларда салом беришга тарғиботлар бор. Шундан

келиб чиқиб, намоздан кейин саломлашишда танглик йўқ. Валлоҳу аълам.

### ИЖТИМОИЙ ТАРМОҚДАГИ ВАҚТ ИСРОФИ

Ассалому алайкум! Бугунги кунда турли ижтимоий тармоқларда, асосан телеграмда турли хил муаллифи номаълум ва манбаси кўрсатилмайдиган каналлар жуда кўпайиб кетибди ва айрим илмий аёллар ҳам фаоллик билан шу каналлардаги маълумотни турли гуруҳларда улашишни ўзларига одат қилиб олишибди. Лекин манба ва муаллифи ҳақида маълумот сўрасак, ҳеч қандай маълумот йўқ, муал-

лифи кимлиги номаълум. Ва уларга манбанинг ҳам, муаллифнинг ҳам қизиғи йўқдек жавоб қилишмоқда. Кўпинча муаллифи ва манбаси ишончли бўлган илмий мақолалар, маълумотлар эса уларнинг нафсига оғирлик қиладими ёки ёқмайдами, билмайман, эътиборсиз қолдиришади. Қандайдир шов-шувли, енгил-елпи, нафсига ёқадиган, саҳиҳ бўлмаган маълумотлар уларни ўзига оҳанрабодек тортиб кетмоқда. Узук-юлуқ маълумотларни қанча аёл қизларимиз ўқиб, вақтлари исроф бўлаётганига гувоҳ бўляпман. Психология нуқтаи назаридан қараганда мана шу ижтимоий тармоқларга қарамликдан халос бўлиб, тартиб билан китоб ўқиш орқали ёки ишончли бўлган интернет сайтларидан соф Ислонни ўрганишлари учун аёллар-қизларга қандай тавсиялар берасиз?

**Психолог Мадина Джуроева:**

– Ва алайкум ассалом! Интернет тармоқлари орқали кўп маълумотларни қабул қилиш, бир маълумотни ўқиб туриб, дарров бошқа маълумотга ўтиб кетиш мия иш фаолиятининг тез чарчаб қолишига, хотиранинг сусайишига, бу ўқиганларининг нафи бўлмаслигига олиб келади. Инсон бу ҳолатга тушса гўё кучи кетиб қолгандек бўлиб, чарчоқ ҳисси пайдо бўлади, фикрлари тарқоқлашиб, жамлай олмай қо-

лади, бирор қарор қабул қилишга ожизлик қиладди, сўнгра эса жиззакилик пайдо бўлади. Аммо китоб ўқиганда бунинг акси бўлади. Китоб ўқиганда инсоннинг маънавияти ўсади, нутқи ривожланади, мулоҳазалари чуқурлашади. Китобдан олинган маълумотларни ўз ҳаётига татбиқ этиш учун инсон қалбидан чуқур ўрин эгаллайди. Миянинг фаолияти бир маромда кетади, фикр ҳар хил маълумотларга бўлинмайди. Шунинг учун инсонда у даражада чарчаш сезилмайди.

Валлоҳу аълам.

### ҚИЗИМГА СУНЪИЙ ТИШ ҚЎЙДИРСАК БЎЛАДИМИ?

Ассалому алайкум. Аллоҳ таоло илмингизни зиёда қилсин. Қизим 16 ёшга тўлди. 4 ёшида сут тишига пломба қўйдирган эдик. Энди ўша доимий тишлари умуман қайта чиқмади. Жами 21 та тиш чиққан. Юзи, лаб ва оғиз атрофи кичрайиб бормоқда. Чиқмаган тиш жойлари турибди. Ҳозирги ёшида оғзини тўлдириб, сунъий тиш қўйдирсак бўладими? Илтимос, маслаҳат беринг.

**Шифокор Феруза Обидова:**

Ва алайкум ассалом. Бу ҳолат тиббиётда адентия дейилади. Сизнинг қизингизда қисман адентия ҳолати кузатилмоқда. Одатда ўғил болаларда 18, қизларда эса 16-17 ёшда жағ

суяклари тўлиқ шаклланиб бўлади. Шу сабабли 16-17 ёшгача ечиладиган ва ечилмайдиган тиш протезлари қўлланилса, бу ёшдан кейин дентал имплантант қўйдириш мумкин. Стоматолог-ортопедга, ортодонтологга муурожаат қилинг.

### МАЙЙИТ ЧИҚҚАН ЖОЙДА ТАОМЛАНИШ

Ассалому алайкум! Таъзияли хонадонга борганда дастурхон ёзилган бўлади. Қуръон тиловат қилиниб дуо қилинган, овқат олиб келишади. Бу таомларни таъзияга борганлар олиб боришади. Шу жойда таомланиш мумкин эмасми? “Аҳли маййит дафндан кейинги уч кун ичида бошқаларга таом қилиб бериши макруҳдир”, дейилган экан Кифоя китобида.

**Одинахон Муҳаммад Содиқ:**

– Ва алайкум ассалом! Уч кун ичида дастурхон ёзилиши ножоиз. Яқиндан келганларга таом бериш ҳам ножоиз. Аммо узоқдан келган мусофирлар бўлса, улар таом тановвул қилиб олишлари жоиз. Лекин бу дегани узундан узоқ дастурхон устида ўтириш мумкин, дегани эмас. Қоринларини тўйдириб олсалар етарли. Шунингдек уларга маййит аҳлидан бошқалар хизмат қиладди. Таъзия ерига таом олиб бориш савобли иш. Бу таом маййит аҳли учун олиб борилади. Меҳмонларга тортиш учун эмас. Валлоҳу аълам!



# УН ОШИ

## Керакли масаллиқлар:

Қайла учун:  
200 гр. сариёғ  
1бош каттароқ пиёз  
4 дона қизил сабзи  
Ярим пиёла нўхат  
300 гр. қийма  
Туз, пидина зиравори

Хаамири учун:  
1 дона тухум  
Ун  
Туз  
1 пиёлада тўла нордон, ёғсиз  
сузма (чакки).

## Қайла тайёрлаш:

Қозонга ёғ солиб, бир оз қизди-ринг. Сўнгра пиёзни солиб, тилла ранг бўлгунича қовуриб олинг, сўнг сабзини солиб, яхшилаб қовуринг. 2 ош қошиқ пидина зираворини солиб, бир оз қовургандан кейин 1-1,5 литр сув қуйинг. Сув қайнаб чиқмасидан аввал туз, ивитилган нўхат солиб, қайнаб чиққач, нўхатдан каттароқ думалоқ-думалоқ қилинган қиймаларни солинг. Нўхат пишгунича паст оловда милтиллатиб қайнатинг.

## Хаамирли бўтқани тайёрлаш:

1та тухум билан ўртача қаттиқликда хаамир қоринг. Тиндириб, хаамирни ёйинг ва кўпроқ ун сепаб, норин катталигида ёки ундан бир оз йирикроқ (уградай) қилиб кесиб чиқинг. Қайнаб турган сувда тўғралган хаамирларни пишириб олинг. Кўкатлар (айниқса райҳон) тўғраб, солинг. Оловни ўчиргандан 20 дақиқалар ўтгач, сузмани сув билан юмшатиб, хаамирли суюқроқ аралашмага қўшинг. Таъбга қараб, туз-намагини ростланг.

Косага аввал хаамирли ботқадан, кейин эса қайладан сузиб, дастурхонга тортинг. Ёқимли иштаҳа!



Аллақулова Гулшода